

---

## **“Заковат” интеллектуал ўйинининг вилоят босқичида Марғилон шаҳридаги б-умумий ўрта таълим мактабининг “GALACTICOS” жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритиши!**

Шу муносабат билан бугун б-сонли умумий ўрта таълим мактабида китобхон ўқувчиларни ушбу юксак муваффақият билан қутлаш мақсадида тадбир ташкил этилди.

Тадбирда шаҳар ҳокими Шукуруллохон Нисбатхонов иштирок этиб, жамоани муносиб ғалаба билан муборакбод этди ҳамда уларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғаларини тақдим этди.

- Ўмумий ўрта таълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган “Заковат” турнирининг вилоят босқичида 57 та жамоа, 400 нафардан зиёд зукко ва билимдон китобхонлар орасида фахрли 1-ўринни қўлга киритганлигимиз - бу биз ўқувчи ёшлар учун жуда катта муваффақият бўлди, -дейди жамоа аъзоси Камронбек Машарипов. - Эндиликда зиммамизды янада юксак масъулият бор, танловнинг республика босқичида ҳам вилоятимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишга жамоамиз билан бир куч бўлиб астойдил ҳаракат қиласиз.

2023-09-27 12:59:57